



**ҚАДИМГИ ДАВР ТАРИХИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ФАЛСАФИЙ,
МАЪНАВИЙ АХЛОҚИЙ, МАЪРИФИЙ ТАФАККУР ҲАМДА
ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИГА ДОИР
ТАЪЛИМОТЛАРНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШ ТАРИХИ.**

Ўроқов Жасур Рустамалиевич

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ўқитувчиси

Абдуллаев Элдор Зоиржон ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим 3-курс курсанти

Аннотация: *мазкур мақолада Марказий Осиеда фалсафий, маънавий-ахлоқий, маърифий тафаккур ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир таълимотларнинг мазмуни ва ўзига хос хусусиятлари, Марказий Осиеда фалсафий, маънавий-ахлоқий, маърифий тафаккур ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир таълимотларнинг назарий ҳамда концептуал асослари, шунингдек, Марказий Осиеда фалсафий, маънавий-ахлоқий, маърифий тафаккур ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир таълимотларнинг аҳамияти ва бугунги кундаги ўрни ҳақида ёритиб ўтилган.*

Калит сўзлар: *Янги Ўзбекистон, миллий истиқлол, миллий тарихимиз, Имом Бухорий, Имом Термизий, жинойятчилик, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси.*

Аннотация: *в данной статье рассмотрены содержание и особенности философского, духовно-этического, просветительского мышления и доктрин профилактики преступности в Центральной Азии, теоретические и концептуальные основы философского, духовно-этического, просветительского мышления и профилактики преступности в Центральной Азии, а также философско-духовные основы Центральной Азии - были освещены значение и роль нравственного, просветительского мышления и учения о предотвращении правонарушений и их сегодняшняя роль.*

Ключевые слова: *Новый Узбекистан, национальная независимость, наша национальная история, Имам Бухари, Имам Термизи, преступность, профилактика преступности.*

Abstract: *in this article, the content and specific features of philosophical, spiritual-ethical, educational thinking and the doctrines of crime prevention in Central Asia, the theoretical and conceptual foundations of philosophical, spiritual-ethical, enlightened thinking and crime prevention in Central Asia, as well as the philosophical and spiritual foundations of Central Asia - the significance and role of moral, educational thinking and doctrines on the prevention of offenses and today's role were highlighted.*

Key words: *New Uzbekistan, national independence, our national history, Imam Bukhari, Imam Termizi, crime, crime prevention.*



Бугунги кунда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган республикамизни ривожлантиришга қаратилган туб ислоҳотлар, жамиятимизнинг барча соҳаларини замон талабларидан келиб чиқиб янгилашга, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга доир қабул қилинаётган қилинаётган қонунлар ва президентимизнинг Фармон ва қарорларининг талабларидан, уларнинг ижросини таъминлаш заруратидан келиб чиқиб, фуқароларимиз орасида, айниқса, ёшларимиз орасида ёт ғоялар таъсирини олдини олиш, уларда соғлом маънавий иммунитет яратиш, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик каби салбий иллатларнинг фуқароларимизга таъсирини кескин камайтириш, улар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва унга қарши курашни курашни такомиллаштириш, бу жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиш, баҳолаш ва фуқароларнинг ёт ғоялар, ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик таъсири остига тушиб қолишларининг олдини олишга доир ишларга чуқур ёндашиш ва жамият учун фойдали таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш халқ фаровонлиги ва ёшларимиз келажаги катта аҳамият касб этади. “Янги Ўзбекистон жаҳон майдонида кучли салоҳият, муносиб обрў-эътиборга эга бўлган, ҳар томонлама обод ва фаровон мамлакатга айланади. Мен бунга нафақат ишонаман, балки шу йўлда бор билим ва тажрибамни, куч-ғайратимни сафарбар этишга ҳамиша тайёрман”. Барча юртдошларимизни ана шундай улуғ сафда – Янги Ўзбекистон бунёдкорлари қаторида бўлишга даъват этаман. Ўйлайманки, инсонпарварлик руҳи билан йўғрилган бундай ислоҳотларимиз буюк Алишер Навоий бобомизнинг битта кўнгли ўксик одамни хурсанд қилиш – Каъбани обод этиш билан баробар, деган теран маъноли сўзларига, меҳр-оқибат, саховат ва олижаноблик каби фазилатларни доимо кадрлаб, улуғлаб яшайдиган халқимизнинг орзу-интилишларига ҳар томонлама уйғун ва ҳамоҳангдир. “Биз янги шароитда маънавий-маърифий ишларни кучайтиришга интиломқдамиз. Бундай ёндашув – бугунги ва келгуси ривожланишимиз учун мустаҳкам пойдевордир.

Шу маънода, Янги Ўзбекистонни барпо этиш – яқин ва олис тарихимиз, бетақроп ва ноёб маданий бойликларимизни янада чуқур ўрганиб, уларга таяниб, мустақил миллий тараққиёт йўлимизни янги босқичда давом эттириш демакдир. Кейинги йилларда маданий-гуманитар йўналишда – маданият, кино, рақс ва тасвирий санъат соҳаларини, адабиёт ва китобхонликни ривожлантириш бўйича амалга ошираётган ишларимиз халқимизга яхши маълум, албатта. Хусусан, халқаро мақом анжумани, бахшичилик ва миллий ҳунармандчилик фестивалларини ташкил этганимиз ва юксак савияда ўтказганимиз” Янги Ўзбекистонни дунёга кенг тарғиб этишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Миллий тарихимизни холис ва ҳаққоний тадқиқ этиш учун бугунги кунда Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш маркази, Фанлар академияси қошида Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази, “Ўзбекистон тарихи” телеканали фаолият кўрсатмоқда. Ислом дини ривожини йўлида беқиёс хизмат қилган буюк муҳаддис боболаримизнинг диний ва илмий-маънавий меросини ўрганиш ва тарғиб этиш мақсадида Самарқандда Имом Бухорий,



Сурхондарёда Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, шунингдек, Тошкентда⁶ Ўзбекистон халқаро ислом академияси⁷, Имом Мотуридий халқаро илмий тадқиқот маркази иш олиб бормоқда. Тошкент шаҳрида барпо этилаётган Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази халқимизнинг бой диний, маънавий меросини чуқур ўрганиш ва дунёга тарғиб этиш, ёш авлодимизни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашда беқиёс ўрин тутадиган илм-маърифат марказига айланади. Ҳозирги мураккаб ва шиддатли замонда маънавий-маърифий ишларнинг ўрни ва таъсири тобора ортиб бораётганини ҳисобга олиб, бу соҳадаги фаолиятимизни янада кучайтиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. “Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармасини ташкил этиш тўғрисида” ҳамда “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” шу йил март ойида қабул қилинган Президент қарорлари аини шу соҳадаги вазифаларни самарали ҳал этишга қаратилгандир. Янги Ўзбекистон нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотларда барча соҳалар қатори маънавий-маърифий масалаларга оид ташаббусларни ҳам дадил ўртага қўймоқда. Бу ҳақда сўз юритганда, мамлакатимиз томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюциясини⁸ қабул қилиш бўйича илгари сурилган ташаббус халқаро жамоатчилик томонидан кенг қўллаб-қувватланди. Яқинда мазкур резолюция қабул қилинганини алоҳида таъкидлаш лозим. Шунингдек, Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг видеоанжуман шаклида ўтган саммитида илм-фан, таълим, маданият ва санъат соҳаларини, шунингдек, туркий дунё бирлигини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган атоқли шахсларни рағбатлантиришга қаратилган яна бир муҳим ташаббусимиз қабул қилиниб, Туркий кенгашнинг Алишер Навоий номидаги халқаро мукофоти таъсис этилди. “Биз буни барча туркий халқларнинг фахр ифтихори бўлган ҳазрат Алишер Навоий бобомизга, шундай улуғ зотларни тарбиялаб вояга етказган халқимизга бўлган юксак ҳурмат-эҳтиром ифодаси, деб биламиз”. Президент тарихга назар солиб, IX-XII асрларда юртимиз ҳудудида биринчи, XV асрда иккинчи Ренессанс порлаганини таъкидлади. “Кўпчилик зиёлилар қаторида мен ҳам бир фикрни ҳамиша катта армон билан ўйлайман: мамлакатимизда учинчи Ренессансни XX асрда маърифатпарвар жадид боболаримиз амалга оширишлари мумкин эди. Улар “Илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас”, деган ҳадиси шарифни ҳаётий эътиқод деб билдилар”, - дея таъкидлаган эди Президентимиз Ш.М. Мирзиёев⁹. Шунингдек, Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш асосий мақсад қилиб белгиланганини таъкидлади. “Буюк аждодларимизнинг бетакрор ва ноёб илмий-маънавий мероси биз

⁶ “Янги Ўзбекистон” газетаси. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев нутқи.

⁷ Ўша манба.

⁸ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюцияси

⁹ Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Ш.М.Мирзиёев. – Тошкент : Ўзбекистон, 2017, 206-бет.



учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши керак, - деди Президент. Бу ўлмас мерос ҳамиша ёнимизда бўлиб, бизга доимо куч-қувват ва илҳом бағишлаши лозим. Авваламбор, миллий таълим тизимини ана шундай руҳ билан суғоришимиз керак”.¹⁰ Жамият тараққиёти ва унинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарлик доимий равишда ҳуқуқшунос олимлар, турли соҳа мутахассислари, қолаверса, жамиятнинг ҳар бир аъзоси эътиборини ўзига тортиб келганлиги ҳаммага маълумдир. Чунки жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик қайси шаклда ёки тоифада бўлмасин, инсониятнинг тинч ва осойишта турмуш тарзига муттасил равишда хавф солиб келган. Шунинг учун ҳам ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, унга йўл қўймаслик чоралари тараққиётнинг тараққиётнинг ҳар бир даврида, жамиятнинг мавжуд фан-техника ютуқлари асосида “ қўлланилганлигини ҳамда бу кураш чоралари зарур илмий-назарий асосларга эга бўлганлигини кўриш мумкин. Тарихни билиш, ундан тўғри ва холис хулосалар чиқара олиш инсон маънавий камолоти учун муҳим. Тарих буюк муаллим, ўтмишдан сабоқ берадиган тарбиячидир. Гап энг қадимги давр фалсафаси ҳақида борар экан, бу ҳақиқат янада катта аҳамият касб этади. Айримлар “Бизга минг йиллар қарида ётган маданият ва фалсафадан нима фойда? Яхшиси, бугуннинг гапидан гапиринг”, “Ўтмиш ҳақида ташбеҳ излагандан кўра, бугунги муаммолар устида бош қотирган маъқул эмасми?” деган ҳаёлларга бориши мумкин¹¹. Бир қарашда уларнинг гапида ҳам жон бор, лекин ўтмишни билмасдан туриб келажакни тўғри тасаввур этиш мумкин эмас. Зеро, тарихсиз келажак йўқ. Шу маънода, биз фалсафа тарихини қизиққанамиз учун эмас, балки биз уни турли замонларда рўй берган воқеа ва ҳодисаларнинг фалсафий фикр ва онгда қандай акс этгани, улар қандай ғояларнинг туғилишига сабаб бўлани, қайси маълумотлар инсоният тараққиётига қандай таъсир кўрсатгани, қайси мафкура одамзодни кўпроқ ривожланиши ёки таназзул томон етаклагани каби ҳақиқатларни билиб олиш учун ўрганамиз. Тарихни ўрганмоқ ва сабоқ олмоқ ҳар бир инсон учун зарурдир. Бу фалсафа билан шуғулланаётган мутахассис учун ҳам, уни ўрганаётган талаба учун ҳам бирдек муҳим аҳамиятга эгадир. Тарихни фалсафасиз тўғри тушуниб бўлмагани каби, фалсафани ҳам тарих ҳақиқатисиз тушуниб бўлмайди. Шуларни назарда тутиб, биз кўйида мамлакатимиз, қолаверса, бутун Марказий Осиё тарихида муайян из қолдирган айрим фалсафий қарашлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтамыз. Чунончи, тарихий манбаларда муайян даврларда ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида қонун даражасидаги қатъий қоидалар, жумладан “Авесто” ва “Шариат” қоидалари бўлганлиги фикримизни исботлайди. Ўша даврда мавжуд бўлган тартиб-қоидалар ёхуд 12 шариат қоидаларига зид ҳатти-ҳаракатлар ҳуқуққа хилоф бўлган ва уларда белгиланган қоидалар асосида жазонинг муқаррарлиги таъминланган. Шу ўринда айтиш жоизки, албатта у қайси давр бўлишидан қатъий назар, содир этилган

¹⁰ Янги Ўзбекистон” газетаси. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг нутқи.

¹¹ Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамыз. Ш.М.Мирзиёев – Тошкент : Ўзбекистон, 2017. -34-бет.



хуқуқбузарликдан шахс ҳамда жамият зарар кўрган. Бинобарин, хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги таълимотлар деганда илк давлатлар пайдо бўлгандан то бугунга қадар инсонларни хуқуқбузарликларни содир этишларининг олдини олишга қаратилган фикрлар, қарашлар ва ғояларнинг йиғиндиси тушунилади. Қадимдан ҳар бир давлатда жамият аъзоларининг ўз менталитети, турмуш тарзи, урф-одати ўзгача бўлиб, шулардан чиқиб келиб турлича ғоялар ва қарашлар пайдо бўлган. Кўпинча хуқуқбузарликлар профилактикаси ҳақидаги таълимотлар замонасининг олим ва файласуфларнинг ёзган асарларида намоён бўлган. Хуқуқбузарликлар профилактикаси ҳақидаги таълимотларнинг ривожланиш босқичларини даврларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда қўйидаги даврларга ажратиш мақсадга мувофиқ. Уларни шартли равишда бешта даврга ажратишимиз мумкин бўлиб, улар: - қадимги давр; - илк уйғониш даври; - Чор Россияси даври; - Совет Иттифоқ даври; - мустақиллик даври. Биринчи давр, қадимги давр бўлиб, ушбу даврда одамлар ўзлари яратган ахлоқ нормалариг амал қилган. Тарихшунос олим А.Н.Норбековнинг “Тарихий манбаларга кўра инсоният ҳозирги ҳолатга эга бўлиши учун бир неча миллион йиллик тадрижий ривожланиш даврларидан ўтган. Бу жараён бир неча босқичларга бўлинади. Милоддан аввалги 40 – 35 мингйилликларда “Хома хабилис”(ишбилармон одам) 13 ўрнини “Хома сапиенс”(онгли одам) эгаллаган. “Хома сапиенс”нинг дастлабки вакили “кроманьон одам” аجدодларидан жисмоний тузилиши, физиологик ва руҳий имкониятлари билан кескин фарқ қилган. Шу даврдан бошлаб маданиятнинг муҳим элементлари тил орқали мулоқот қилиш, қон-қардошлик алоқалари, ўзаро муносабатларни ахлоқ нормалари асосида тартибга солиш сингари маданият элементлари вужудга келган. Таъкидлаш жоизки, хуқуқбузарликлар профилактикаси ва у билан боғлиқ қарашларнинг вужудга келиши кишилик жамиятининг пайдо бўлиши билан бирга, шунингдек, содир этилган қилмишнинг ёмон (жиноят) эканлиги, унга қарши туриш ёки курашиш лозимлиги тўғрисидаги тасаввурларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Дарҳақиқат, айрим манбаларда қадимги (ибтидоий) даврда, яъни ҳозирги мамлакатимиз ҳудудида турли қабилалар жамоа бўлиб яшаган вақтларда ижтимоий муносабатлар ёзилмаган одат нормалари асосида тартибга солинганлиги тўғрисида фикрлар мавжуд. Одат нормаларига кўра ёмон иш – бу ҳозирги кундаги қонунларда хуқуқбузарлик деб эътироф этилаётган ва содир этилганлиги учун маъмурий, жиноий жазо назарда тутилган қилмиш бўлиб, уни содир этган одамлар одатга кўра жазоланганлар. Барчамизга маълумки, содир этилган ҳар қандай турдаги ёмон (жиноят) иш оқибатида, албатта кимдир моддий, жисмоний ёки маънавий зарар кўради. Бу эса ўз навбатида, бундай турдаги қилмишларнинг кимдир жабрланувчисига айланишини билдиради. Шу нуқтаи назардан қадимги манбаларда содир этилган ёмон қилмишни жиноят деб қарайдиган бўлсак, унга нисбатан кўриладиган жазо бўлиб, оғирроқ турдаги жиноят содир этган одамларга эса ибтидоий тўдадан ажратиб қўйиш каби ўша даврдаги қаттиқ жазо чоралари қўлланилганлигига шак шубҳа йўқ¹².

¹² Саитқулов Қ.А. Хуқуқбузарликлар виктимологик профилактикасининг асосий йўналишлари: Илмий рисола . –



Ибтидоий кишиларнинг меҳнат фаолияти ва бунда таркиб топган ижтимоий муносабатлар тарбиянинг вужудга келиши учун асос бўлди. Инсоннинг таркиб топишидаги биологик шарт-шароитлар унинг меҳнат туфайлигина ҳайвон ҳолатидан инсон ҳолатига ўтиши учун асос бўла олган. Инсон меҳнат қуроллари тайёрлай бошлаган даврдан кишилик жамияти пайдо бўла бошлади. Ибтидоий кишиларнинг омон қолиши ва кўпайишидан иборат ўз табиий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган меҳнат фаолияти инсонни эволюция жараёнидан олиб ўтди, кишилик жамиятини яратди. Бу жамиятда кишининг таркиб топиши социал қонуниятлар билан белгиланадиган бўлди. Энг оддий меҳнат қуролларини қўлланиш ва уларни онгли равишда тайёрлашнинг кенгайиб ва мураккаблашиб бориши ёш авлодга меҳнат билимларини, кўникма ва тажрибаларни бериш заруриятини туғдирди. Инсон онги ривожлана боргани сайин оила, қабила ва уруғларга бирлаша борди ҳамда шу тахлит жамият таркиб топа борди. Маълумки ҳар бир жамият, муайян инсонлар жамоаси ўзлари томонидан ўйлаб топилган қонун-қоидалар асосида яшаган, ривожланган ҳамда тараққий этган. Ўрнатилган тартиб-таомилларлар, ахлоқий кўринишга эга бўлган қонун-қоидалар жамиятнинг барқарорлигини таъминлаган. Вақт ўтгани сайин жамиятлар тараққий эта борди, инсонларнинг ҳам онги ривожлана борди, деҳқончилик ва чорвачилик ҳам ривожланди. Натижада бошқа соҳалар, жумладан, ҳунармандчилик ва савдо-сотик вужудга келди, қабилалар алоқалари кенгайди ҳамда кичик-кичик шаҳарлар вужудга кела бошлади. Энди жамият ижтимоий ҳаётини тартибга солувчи ахлоқий меъёрлар эмас, балки қатъий ҳуқуқий нормалар яратишга эҳтиёж туғила бошлади. Шу зайил дастлабки ҳуқуқий нормалар милоддан аввалги 2-1-мингйилликлар даврида вужудга кела бошлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. “Янги Ўзбекистон” газетаси. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев.
2. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Ш.М.Мирзиёев. – Тошкент : Ўзбекистон, 2017, 206-бет.
3. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ш.М.Мирзиёев – Тошкент : Ўзбекистон, 2017. -34-бет.
4. Президент Ш.М.Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши лозим. Т 2017 й
5. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюцияси.
6. Ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикасининг асосий йўналишлари: Саитқулов Қ.А. Илмий рисола . – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – 10 бет.